




ORIENTAL JOURNAL OF ECONOMICS, FINANCE AND MANAGEMENT

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojefm>

METHODOLOGICAL ISSUES OF IMPLEMENTATION OF STATE FINANCIAL CONTROL

Nadir Nazarovich Khakimov

PhD, researcher

TSUE

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: state, state control, state financial control, methodology, finance, financial system, public finance, enterprise finance, methodology, methodology, strategy, financial control, control, money, funds, financial audit, responsibility, financial responsibility.

Received: 14.03.25**Accepted:** 16.03.25**Published:** 18.03.25

Abstract: Financial control is mainly exercised by the state. When implementing state financial control, various methods are used. One of the main problems is the methodological issue. Today, one of the main problems is the lack of a unified methodology used in organizing and implementing state financial control, and this article discusses the methodological issues of organizing and implementing state financial control.

ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИНИНГ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Нодир Назарович Ҳақимов

ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: давлат, давлат назорати, давлат молиявий назорати, методология, молия, молия тизими, давлат молияси, корхона молияси, методика, методология, стратегия, молиявий назорат, назорат, пул маблағи, пул фондлари, молиявий текширув, жавобгарлик, молиявий жавобгарлик.

Аннотация: Молиявий назорат аксарият бўғини асосан давлат шаклида амалга оширлади. Давлат молиявий назоратини амалга оширишда турли хил услублар қўлланилади. Бунда асосий муаммолардан бири бу методологик масалалар. Бугунги кунда асосий муаммолардан бири бу давлат молиявий назоратини ташкил этиш ва уни амалга оширишда қўлланиладиган ягона методологиянинг йўқлиги муаммоси бўлиб, мазкур мақолада эса, давлат молиявий назоратини ташкил қилиш ва

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ

Надир Назарович Хакимов

PhD, соискатель

ТГЭУ

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: государство, государственный контроль, государственный финансовый контроль, методология, финансы, финансовая система, государственные финансы, финансы предприятия, методология, методология, стратегия, финансовый контроль, контроль, деньги, денежные средства, финансовый аудит, ответственность, финансовая ответственность.	Аннотация: Финансовый контроль в основном осуществляется государством. При осуществлении государственного финансового контроля используются различные методы. Одной из главных проблем при этом является методологический вопрос. На сегодняшний день одной из основных проблем является отсутствие единой методологии, используемой при организации и осуществлении государственного финансового контроля, и в данной статье рассмотрены методологические вопросы организации и осуществления государственного финансового контроля.
---	---

Кириш

Давлат молиявий назоратини ўтказиш бир томондан ушбу тадбирни қайси молиявий орган ўтказиши бир томондан уларнинг ваколатларини белгилаб берса, бошқа томондан бунини қайси методологияга асослаб ташкил этиши жуда долзарб ҳисобланади. Бу давлатнинг ваколатли органларининг олдига катта маъсулият юклайди. Бунда қўлланиладиган усуллар ва дастаклар қандай қўллаш билиш даражасига боғлиқ ҳолда улар томонидан ўтказиладиган тадбирлар самараси таъминланса, бошқа томондан, ваколатли органларнинг вақти тежайди, энг муҳими молиявий назорат объекти бўлган ташкилот ва корхоналарда ортиқча оворагарчиликлар олди олинади.

Тўғри, бу билан боғлиқ илмий тадқиқотларда масаланинг у еки бу томонлари кўриб чиқилмоқда. Аммо, бугунги кунда бу масалага илмий тадқиқотлар ошиб бормоқда. Айниқса, давлат молиявий назоратни ташкил этиш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ

амалий жараёндаги учрайдиган камчиликлар ва муммолар бу борада илмий тадқиқотларга эҳтиёж юқорилигини билдиради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Давлат молиявий назорати билан боғлиқ муаммолар давлат пайдо бўлиши билан пайдо бўлган. Дастлабки ҳолатларда уни амали амалиётчи ходимлар (давлат ваколат берган шахслар, улар турли замонларда турлича аталган ва ҳар бир давлатнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб белгиланган ва амалга ошириган)лар томонидан амалга оширилган. Молиявий назорат бўйича илмий тадқиқотларни кўриб чиқиш мавзунинг турли жиҳатларини қамраб олган кўплаб илмий тадқиқотларни ўз ичига олади. Хусусан, молиявий назорат ва молиявий аудитнинг методологик масалалари билан М. Азарский, В.Белолипецкий, В.Бурцев, М.Родионовалар шуғулланишган бўлса, молиявий назоратнинг ҳуқуқий аспекти билан тадқиқотлар Е. Грачев, А.Козырин, В.Мандрица, Л.Овсянников, В.Шлейников, А.Ялбулганов, С. Анников, Р.Палочкинлар томонидан амалга оширилган.

Хусусан, Анников Сергей Алексеевич давлат молиявий назорат ўтказишнинг методологик жиҳатларига алоҳида урғу берган бўлса, Палочкин Роман Евгеньевич эса, давлат молиявий назоратнинг ташкилий масалаларини кенг ёритган. Маҳаллий олимларимиздан Б.Турапов бу борадаги тадқиқотларини алоҳида келтириб ўтиш мумкин. Б.Турапов ўзининг “Ўзбекистон республикасида давлат молиявий назоратини такомиллаштириш” деб номланган докторлик диссертация тадқиқотлари доирасида бир қатор методологик масалалар, жумладан, республикада “молиявий аудит”ни жорий этиш асосида бухгалтерия (бюджет) ҳисоби юритилиши, молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги, молиявий ресурслардан мақсадли фойдаланилгани ҳамда молиявий операцияларнинг қонунийлигини баҳолаш тизимининг методологик жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Аммо, таъкидлаш ўринлики, юқорида келтириб ўтилган тадқиқотлар доирасида илмий ишлар олиб борилган бўлсада, ҳамма соҳаларда молиявий назоратини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг методологик жиҳатларидаги муаммолар ҳали ўз ечимини топмаган, бу эса, молиявий назоратнинг методологик масалаларига илмий эҳтиёж мавжудлигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси

Давлат молиявий назорат методологиясини тадқиқ этишда илмий тадқиқот методологияси доирасида кўп қўлланилиб келинадиган тадқиқот усуллари кенг фойдаланилишни тақозо этади. Давлат молиявий назорат методологиясини тадқиқ этишда дедукцион ёки индукцион, синтез ва таҳлил, гуруҳлаш ва қайта ишлаш, диалектик,

абстракт, мантикийлик, таққослама, абстракт-мантикий фикрлаш ҳамда статистик усулларни қўллаш орқали амалга ошириш талаб этилади ва тадқиқотларда ҳам айнан юқоридаги усуллардан фойдаланган ҳолда ёндошилди.

Таҳлил ва натижалар

Давлат молиявий назорати молиявий (иқтисодий), социал, бошқарув ва ҳукукий муносабатларни қамраб олади. Агар кенгроқ тушунтирадиган бўлсак, давлат молиявий назорати аввало молиявий муносабатлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳам у молия категориясининг муҳим элементи сифатида унинг қайта тақсимлаш ва назорат функцияларининг уйғунлигини ифода этади ва доимо пул муносабатларни тартибга солиб туради. Ўз навбатида давлат молиявий назорати мазмунан олиб қаралганда унда социал муносабатлар ҳам мужассам бўлади, давлат молиявий назоратини ўтказиш орқали назорат объекти бўлган корхоналар ва у ердаги молиявий жавобгар шахсларни қонунларни бузмасликка, ҳалолликка, бошқаларнинг маблағларини ўзлаштирмасликка, корхонанинг моддий-техник базаси ва бойлигига ўзаро ҳурматда бўлишига ундайди ва зарур ҳолларда мажбурлайди, булар эса моҳиятан унинг социал хусусиятларини тавсифлайди.

Давлат молиявий назоратининг методологик йўналишлари	
1-йўналиш	Давлат молиявий назорат мақсад, тамойиллари ва вазифларини тўғри аниқлаш
2-йўналиш	Давлат молиявий назоратни ишончли маълумотлар билан таъминлаш ва ундан самарали фойдаланиш
3-йўналиш	Давлат молиявий назоратни шакли ва турлари бирлигини таъминлаш
4-йўналиш	Давлат молиявий назоратни қонунчилик базасини такомиллаштириш ва унда ваколатли органларининг ўрнини аниқ белгилаб бериш
5-йўналиш	Давлат молиявий назоратни республика ва маҳаллий бюджетлардан маблағлардан самарали фойдланишига эришиш
6-йўналиш	Биринчи иккинчи даражали бюджет тақсимловчиларнинг давлат молиявий назоратини амалга ошириш
7-йўналиш	Давлат бюджети марказлашган инвестиция доирасидаги молиявий маблағ олувчиларнинг молиявий қонунчиликка амал қилишини молиявий назорат қилиш
8-йўналиш	Давлат активларидан самарали фойланиш даражасини молиявий назорат қилиш
9-йўналиш	Давлат корхоналари томонидан дивиденд ажратилиши назорат қилиш
10-йўналиш	Давлат қарзини сўндириш ҳолатини молиявий назорат қилиш
11-йўналиш	Давлатнинг ваколатли органларининг молиявий назорат билан бошқа молиявий назорат тадбирлари

1-расм. Давлат молиявий назоратининг методологик йўналишлари¹.

Аслини олганда давлат молиявий назорати орқали давлат ёки тегишли вазирлик, кўмита, концерн, корхона ва ташкилотларда молиявий назорат орқали давлат, маҳаллий доирадаги бюджет маблағлари, корхонанинг маблағлари, пул оқимларини тўғри бошқариш имконияти туғилади, назорат натижаларига кўра, молиявий бошқарув борасида тегишли қарорлар қабул қилинади, молиявий жавобгар шахслар бўйича ходимлар билан боғлиқ ўз сиёсатини ишлаб чиқади, умумий стратегиянинг тактик йўналишларини белгилаб олишга имконият туғилади, шу жиҳатдан олганда давлат молиявий назорати мазмунига кўра бошқарув хусусиятига эга.

Албатта мазмун-моҳиятига кўра давлат молиявий назорати ҳуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқликда бўлади, унинг бу хусусият орқали давлат, хусусий сектор субъектлари ихтиёридаги маблағларнинг тўғри сарфланиши юзасидан назорат тадбирлари орқали ҳуқуқий муносабатлар юзага келади ва улар мувофиқлаштирилади. Давлат молиявий назорати якунлари хулосаларига асосланиб молиявий ва бошқа жавобгарлик доирасида ҳуқуқий муносабатлар юзага келади. Давлат молиявий назоратининг бу хусусияти социал ва молиявий хусусиятлари билан ўзаро боғлиқ бўлади, молиявий ва бошқа жавобгарлик чораларининг белгиланиши орқали моддий жавобгар шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатилиши билан биргаликда молиявий маблағларнинг ўзлаштирилган (камомад) қисми бўйича молиявий маблағлар мақсадли фойдаланишга қайтарилади. Умуман давлат молиявий назоратининг биз таъкидлаб ўтаётган барча хусусиятлари ўзаро боғлиқликда бўлади, улар бир-бирини тўлдириб туради, ҳамда том маънода давлат молиявий назоратининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Давлат молиявий назоратини амалга оширишнинг методологиясида 1-4 йўналишлар бевосита назарий жиҳатлар бўлиб, бунда молиявий назоратни ўтказишнинг мақсад, тамойиллари ва вазифаларини аниқ белгилаб олишни тақозо этади. Давлат молиявий назоратнинг мақсадидан келиб чиқиб, уни амалга ошириш тамойиллари белгиланади ва аниқ вазифалар белгилаб олинади. Давлатнинг молиявий назоратда қонунчилик базасини мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади. Қонунчилик базасида молиявий назоратни ўтказувчи ваколатлар аниқ қилиб белгиланиши лозим бўлади, айрим ҳолларда эса, тегишли меъёрий қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Давлат молиявий назоратининг методологик йўналишларининг айрим йўналишларини амалий ҳолатини таҳлил қиламиз.

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

5-йўналиш бу бевосита давлат молиявий назоратни республика ва маҳаллий бюджетлардан маблағлардан самарали фойдланишига эришиш бўлиб, таҳлилларга қарайдиган бўлсак, республика бюджети даромадлари прогнози 5 та даромад турлари бўйича 8 948,4 млрд сўмга (92,5 фоиз) бажарилмаган, бунинг сабаблари сифатида 2022 йил учун “Навоий кон-металлургия комбинати” ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖлар бўйича фойда солиғи 22 886,2 млрд сўм прогноз қилинган бўлсада, булар бўйича тушумлар эса 17 393,7 млрд сўмни, жумладан “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ – 11 799 млрд сўм, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ – 5 595 млрд сўмни ташкил қилган ҳолда, белгиланган прогноз кўрсаткичи 5 493 млрд сўмга (24 фоиз) бажарилмаган. Айрим даромад турлари прогноз кўрсаткичларини бажарилмаслигига “Навоий кон-металлургия комбинати” ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖлар бўйича харажатларнинг режадан ортиқ ўсиши, олтин ва мис нархининг йилнинг 2-ярмидан кескин тушиб кетиши фойда солиғи ҳамда дивиденд тушумларининг камайишига олиб келган ва натижада ушбу корхоналар тушумларининг прогнозга нисбатан бажарилмаганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

5-йўналишнинг бажарилмаслик сабаби сифатида шунингдек, солиқ ва божхона идоралари учун белгиланадиган прогноз кўрсаткичлари Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими” дастурига тўлиқ киритилмаслиги оқибатида, прогноз кўрсаткичларини бажарилиши ҳамда шу билан боғлиқ бюджет харажатларини амалга оширишдаги назорат тизими автоматлаштирилмаганлиги, ҳудудларнинг солиқ турлари прогнозлари жорий тушумлардан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирилган ҳамда прогнозда кўзда тутилган даромад базасини характерловчи кўрсаткичлар инобатга олинмаганлиги солиқ турлари бўйича чораклик прогноз кўрсаткичлари ҳудудларда бажарилган бўлсада, улар ҳам аниқлаштирилган (камайтирилган) ва ҳақозо.

1-жадвал.

20022 йилда давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасининг даромад ва харажатларининг молиявий назорати (млрд сўм)

№	Кўрсаткичлар	Сумма
	Даромад	6 631,8
	Давлат акция пакетлари реализациясидан	1 798,2
	Давлат улуши реализациясидан	2 610,8
	Давлат мулки объектлари реализациясидан	1 675,3
	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари реализациясидан	538,3
	Пеня, жарима ва бошқа тушумлардан	9,1
	Харажат	6 562,5
	Республика бюджетига	4 500,0

	Маҳаллий бюджетларига	523,7
	Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигига (Савдо-саноат палатаси билан бирга)	58,3
	Агентлик тасарруфига	176,4

2-расм. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ташкил этиш ва амалга оширишнинг методологик йўналишлари²

Кейинги йўналишлардан бири бу давлат мол-мулки сотилиши ҳолати бўлиб, 2022 йилда 3 090,4 млрд сўм тўловларни амалга оширган бўлсада, 123 та ҳолатда тўлов муддати мавжудлиги сабабли 2 157,0 млрд сўм маблағлар ундирилмасдан қолганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПК-168-сон қарорига мувофиқ, “давлат активлари бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилганда дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кам бўлган ҳолатларда, қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида йиллик фоизлар ҳисобланиши кўрсатилган. Шунга мувофиқ, 10 та ҳолатда муддати ўтган 7,2 млрд сўм тўловлар бўйича харидорларга нисбатан 903,0 млн сўмга пеня ҳисобланмаган.

Давлат молияси назоратидаги яна бир муҳим масала бу давлат мулкани ижарага беришдан даромад олиш жараёнини молиявий назорат қилиш масаласидир. Давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотларга таянган ҳолда таҳлил қиладиган бўлсак, давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар сони 2022 йилда 2057 тани ташкил этган. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг 236,2 млрд сўм миқдордаги ижара тўловлари даромадлар таркибида кам кўрсатилиши оқибатида бюджетга 135,8 млрд сўм (жумладан 35,4 млрд сўм 15% фойда солиғи, 100,4 млрд сўм 50 фоиз дивиденд) миқдорда тушумлар кам тушишига сабаб бўлган.

Шунингдек, амалдаги тартибга мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналар томонидан кўчмас мулкларини ижарага беришда, Солиқ кодексида белгиланган амортизациянинг камида йиллик энг юқори нормаси суммаси миқдорида бошланғич нархи белгиланган. 40 Бироқ, бугунги кунда давлат иштирокидаги корхоналар томонидан кўчмас мулкларини ижарага беришда, меъёрий ҳужжатларда аниқ ижара тўловининг энг кам ставкалар миқдори кўзда тутилмаганлиги сабабли 508 та ҳолатда ижара шартномаларида “ноль” ставкада қўлланилиши оқибатда 79,5 млрд сўм маблағлар давлат иштирокидаги корхоналарнинг даромади сифатида шакллантирилмаган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, давлат мулкани ижара беришдан олинadиган даромадларни молиявий назорат қилишда амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишида маълум бир камчиликлар мавжуд бўлиб, бу ҳолат доимий молиявий назорат тадбирларини амалга оширишни тақозо этади.

² Муаллиф томонидан тузилган.

Давлат молиявий назорат жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири давлат бюджетининг кредиторлик ва дебиторлик қарзлари ҳисобланиб, ушбу ҳолат молиявий назоратининг 2022 йил якунларини келтирадиға бўлсак уни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал.

2022 йилда Давлат бюджетининг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини молиявий назорат таҳлили³

№	Кўрсаткичлар	Жами	Бюджет бўйича	Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича
	Жами дебиторлик қарзлари	16 092,1	8 461,5	7 630,7
2023 йил бошига қолдиқ				
	Жами дебиторлик қарзлари	67 850,7	53 163,6	14 687,1
Ўзгариши (фоизда)				
		421,6	628,3	192,5
	Жами кредиторлик қарзлари	12 799,3	6 481,7	6 317,6
2023 йил бошига қолдиқ				
	Жами кредиторлик қарзлари	17 683,1	9 161,5	8 521,6
Ўзгариши (фоизда)				
	Жами кредиторлик қарзлари	138,2	141,3	134,9

2023 йил 1 январь ҳолатига жами дебитор қарздорлик 67 850,7 млрд сўмни ташкил этиб, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 53 163,6 млрд сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 14 687,1 млрд сўмни ташкил этган. 2023 йил 1 январь ҳолатига жами муддати ўтган дебитор қарздорлик 517,5 млн сўмни ташкил этиб, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 24,2 млн сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 493,3 млн сўмни ташкил этган.

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларнинг ўзгариши таҳлил қилинганда, 2022 йил якунида шаклланган жами дебитор қарздорлик йил бошига нисбатан қарийб 6,2 бараварга, 2022 йил якунида шаклланган жами 17 683,1 млрд сўм кредитор қарздорлик ўтган йилги кредитор қарздорликка нисбатан 1,4 бараварга ошган. 2023 йил 1 январь ҳолатига республика бюджетининг резидент-юридик шахсларга берилган кредит ва ссуда маблағлари ҳамда жойлаштирилган депозит суммалари бўйича дебитор қарздорлик жами 59 535,1 млрд сўмни, (45 401,3 млрд сўм ва 1 255,7 млн долл.) ташкил қилиши ёки ҳисоботда дебитор қарздорликлар 16 007,2 млрд сўмга кам акс эттирилган.

³ Ўзбекистон Ҳисоб палатаси маълумотлари асосида тузилган.

Давлат молиявий назоратнинг муҳим объектларидан бири бу давлат харидлари ҳисобланади. Давлат харидлари бўйича молиявий назорат натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2022 йилда бюджет буюртмачилари томонидан 98 та экспертизадан ўтказмаслик мақсадида ҳолатда тендер савдоларини четлаб ўтилган, 2022 йил давомида 155,3 млрд сўмлик 16 та тўғридан-тўғри тузилган шартномаларни комплекс экспертизадан ўтказилмасдан харидлар Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилган умумий қиймати амалга оширилган, шартномалардаги товарлар ўртача нархга нисбатан 1 млрд сўмга юқори нархларда харид қилинган рўйхатдан ўтмаган шартномалар асосида 1785 та ҳолатда 278,3 млрд сўмлик ва давлат ижро органининг ижро ҳужжатларисиз 1658 та ҳолатда 281,8 млрд сўмлик тўловлар амалга оширилган ва бунинг оқибатида рақобатли харид турларидан фойдаланилмаганлиги, давлат харидларининг электрон тизимларида товар (иш, хизмат)ларнинг нархлари бўйича таҳлил қилиш имконини берувчи маълумотлар базаси ҳамда давлат харидининг бошланғич нархини шакллантириш тартиби мавжуд эмаслиги аниқланди.

Хулоса ва таклифлар

Давлат молиявий назоратини амалга оширишнинг айрим методологик жиҳатларини таҳлил қилиш асосида бир қатор хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлинди ва айрим таклифлар илгари сурилди:

биринчидан, республикамізда давлат молиявий назоратни самарадорлигини таъминлаш учун дастурий бюджетлаштириш амалиётини жорий этиш керак ва у билан боғлиқ тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир;

иккинчидан, барча вазирлик ва идораларнинг ўрта муддатга мўлжалланган бизнес режаларини аниқ ишлаб чиқиш керак, унда сарфланадиган маблағларнинг ўрта муддатга ва манбаларини аниқ кўрсатиб қўйилиши керак;

учинчидан, молиявий назоратда натижадорликка эришиш учун анъанавий, режаларни бошқариш тизимидан натижадорликни бошқариш тизимига ўтиш вақти келди деб ҳисоблаймиз

тўртинчидан, ҳар бир дастур бўйича мақсадлар, вазифалар ва кутилаётган натижаларни ишлаб чиқиш керак ана шундагина давлат молиявий назоратини тўғри йўлга қўйилган бўлади ва ҳ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси”. 2014. Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот бўйича хулосаси. 2022 йил.

3. Адамс Р. Основы аудита: пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. М.: Аудит, ЮНИТИ, 1995. 398 с.
4. Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит: пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. М.: Финансы и статистика, 2001. 551 с.
5. Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита: пер. с англ. М.: Финансы и статистика, ЮНИТИ, 1992. 240 с.
6. Ирвин Д. Финансовый контроль: пер с англ. под ред. И.И. Елесеевой. М.: Финансы и статистика, 1998. 256 с.
7. Робертсон Д. Аудит: пер. с англ. М.: KPMG, Контакт, 1993. 496 с.
8. Арабян К.К. Теория и методология финансового контроля. М.: МЭСИ, 2012. 115
9. Б.Турапов “Ўзбекистон республикасида давлат молиявий назоратини такомиллаштириш”. 08.00.07-молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иктисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент2023 й. 32 б.